

ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

# O'ZBEKISTONDA ILMIY TADQIQOTLAR:

DAVRIY ANJUMANLAR

DAVRIYLIGI: 2018 | 2022

**TOMAS ALVA EDISON**  
(1847-1931)



2022

MART

№38



CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir  
Temur ko'chasi, pr.1, 2-uy.

+998 97 420 88 81

+998 94 404 00 00

[www.taqiqot.uz](http://www.taqiqot.uz)

[www.conferences.uz](http://www.conferences.uz)



**ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ  
ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ  
АНЖУМАНЛАР:  
4-ҚИСМ**

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ  
УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ  
КОНФЕРЕНЦИЙ:  
ЧАСТЬ-4**

---

**NATIONAL RESEARCHES OF  
UZBEKISTAN: CONFERENCES  
SERIES:  
PART-4**

**ТОШКЕНТ-2022**



УУК 001 (062)  
КБК 72я43

“Ўзбекистонда миллий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” [Тошкент; 2022]

“Ўзбекистонда миллий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” мавзусидаги республика 38-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 март 2022 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2022. - 12 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

#### **1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши**

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

#### **2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар**

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

#### **3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар**

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

#### **4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни**

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

#### **5. Давлат бошқаруви**

Доцент Шакирова Шохида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти)

#### **6. Журналистика**

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

#### **7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар**

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



**8.Адабиёт**

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

**9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тугган ўрни**

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

**10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар**

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**11.Жисмоний тарбия ва спорт**

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

**12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш**

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

**13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши**

Бобохонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

**14.Тасвирий санъат ва дизайн**

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**15.Муסיқа ва ҳаёт**

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар**

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

**17.Физика-математика фанлари ютуқлари**

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

**18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар**

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

**19.Фармацевтика**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**20.Ветеринария**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**21.Кимё фанлари ютуқлари**

Раҳмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



**22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар**

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

**23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари**

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти)

**24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар**

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти)

**25. География**

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

---

*Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.*

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шаҳрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**СОЦИОЛОГИЯ ВА ПОЛИТОЛОГИЯНИНГ ЖАМИЯТИМИЗДА  
ТУТГАН ЎРНИ**

**1. Бабаев Толибжон Абдужалилович**

ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
ИСТИҚБОЛЛАРИ 7

**2. Куйлиев Б.Т**

СИЁСИЙ МИФ ВА СИЁСИЙ ИМИЖ ЯРАТИШ ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ  
МАНИПУЛЯЦИЯЛАШ МЕХАНИЗМИ СИФАТИДА 9



## СОЦИОЛОГИЯ ВА ПОЛИТОЛОГИЯНИНГ ЖАМИЯТИМИЗДА ТУТГАН ЎРНИ

### ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Бабаев Толибжон Абдужалилович,**  
Илмий тадқиқотчи, Ўзбекистон Республикаси  
Ички ишлар вазирлиги

**Аннотация:** Ўзбекистон тараққиётининг сифат жиҳатдан янги босқичида ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш стратегик вазифа сифатида белгиланган. Айнан шу масалалар илмий мақолада назарий ва амалий таҳлилга тортилган.

**Калит сўзлар:** тараққиёт, ислохотлар, фуқаролик жамияти, демократия, инсонпарвар ғоялар.

2016 йилда Ш.М.Мирзиёевнинг мамлакат Президенти этиб сайланиши, Президент томонидан “**халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак**” принципини эълон қилиниши, давлат бошқаруви ва хизматини фуқаролик жамияти талабларига мос ҳолга келтириш учун “Ўзбекистонда Маъмурий ислохотлар концепцияси”ни қабул қилиниши Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуришнинг янги босқичини бошлаб берди. Мамлакат Президенти Ш.М.Мирзиёев мамлакатда фуқаролик жамияти қуриш мақсад ва вазифалари, бу соҳадаги муаммолар устида тўхталиб, қўйидаги фикрларни билдирди: “Эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида амалга ошираётган ислохотларимизда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни ва роли беқиёс эканини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ҳозирги кунда юртимизда 9 мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилоти мавжуд, 29 та халқаро ва хорижий ноҳуқумат ташкилотларининг филиал ва ваколатхоналари фаолият юритмоқда. 2017 йилда “Нуроний” жамғармаси, Ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Савдо-саноат палатаси, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши каби нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш, уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган алоҳида фармон ва қарорлар қабул қилинди. Аммо ана шундай муҳим саъй-ҳаракатларга қарамадан, аҳолининг муаммоларини тизимли ўрганиш, уларни аниқ ҳал этиш, айниқса, ижтимоий шароити оғир аёлларни қўллаб-қувватлаш, ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни иш билан таъминлаш масалаларида бу ташкилотларнинг иштироки етарли даражада сезилмаяпти. Улар фақат номига йиғилишлар ўтказиш билан машғул бўлиб қолмоқда. Нодавлат нотижорат ташкилотлари бугун айтилган танқидий гаплардан хулоса чиқариб, ўз фаолиятида бурилиш ясади, деб ишонамиз”[1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги фармони билан “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”ни тасдиқланиши ва уни ҳаётга татбиқ этилиши натижасида фуқаролик жамияти институтлари демократик принциплар асосида ривожлана бошлади.

“Ҳаракатлар стратегияси”нинг “Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари” номли биринчи устувор йўналишида демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш масаласи биринчи ўринда қўйилиб, бир йилнинг ўзида давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш йўналишида – 7 та қонун, 3 та фармон, 7 та қарор ва 4 та дастур, жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш йўналишида эса 6 та қонун, битта фармон, битта қарор ва 2 та дастур ишлаб чиқилиши белгиланди. “Ҳаракатлар стратегияси”нинг биргина устувор йўналиши –



давлат ва жамият қурилиши бўйича 2017 йилнинг ўзида 18 та қонун лойиҳасини тайёрланди.

“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини[2] «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури”га биноан “худудларда нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ижтимоий шериклик лойиҳалари бўйича тадбирларни амалга ошириш кўламини кенгайтириш, вилоятлардаги маҳаллий вакиллик органлари ҳузурида фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш бўйича жамоат фондларини ташкил этиш”, шунингдек, “худудлардан сайланган депутат ва сенаторлар ҳар ойда 10-12 кун давомида бир туманда бўлиб, давлат ҳокимияти органлари фаолиятини ўрганиб, таҳлил қилиши, тегишли раҳбарларнинг ҳисоботини халқ депутатлари Кенгашлари сессияси муҳокамасига киритиши ҳамда тегишли хулосалар бериши”, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг жойларда ишларнинг ҳолатини ўрганиш ва халқ билан мулоқот қилишга доир фаолиятини тубдан такомиллаштиришга оид Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг қўшма қарори лойиҳасини ишлаб чиқиши” каби фуқаролик жамиятини ривожлантириш билан боғлиқ ҳуқуқий асослар ва амалий ўзгаришлар режалари муҳам аҳамият касб эта бошлади.

Шунингдек, Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ мамлакатда “Электрон парламент” тизимини ишлаб чиқиш, “Электрон ҳукумат” тизимини янада ривожлантириш, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан назоратини кучайтириш мақсадида сиёсий партиялар депутатлик гуруҳларининг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, давлат ва хусусий шериклик тушунчаси, вазифалари ва асосий йўналишлари[3], иштирокчилари доираси, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, бу борадаги лойиҳалар амалга ошириладиган устувор соҳаларни тартибга соладиган ҳуқуқий асослар ишлаб чиқиш, ҳар бир туман (шаҳар)да жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича «Халқ қабулхоналари»ни ташкил этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, 2018-2020 йилларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш ва ривожлантириш Дастурини ишлаб чиқиш каби чора-тадбирларни амалга ошириш мамлакатда фуқаролик жамияти қуриш учун шарт-шароитлар яратади, мамлакатда фуқаролик жамияти қуришнинг муқаррар эканлигини аниқлатади.

«Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамият сари» тамойилини ижтимоий-сиёсий ҳаётга қўллаш воситасида сиёсий ҳокимият органларининг маҳаллий тизимини мустаҳкамлаш, уларга марказий ҳокимият ваколатларини бир қисмини бериб бориш асносида номарказлаштириш ислохотларини ўтказиш, ижроия ҳокимият тизимларини вакиллик органлари ва нодавлат ташкилотлар томонидан кучли назорат этиш механизми ва ҳуқуқий асосларини яратишга доир ислохотларни амалга ошириш фуқаролик жамияти қуришнинг шарт-шароитларини яратиш йўлидаги илк қадамлардир.

Сўнгги йилларда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш, давлат органлари ва улар ўртасида ижтимоий шерикликни кучайтириш, таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, шунингдек, ушбу соҳани тартибга солувчи ҳуқуқий базани такомиллаштириш борасида изчил ишлар олиб борилди.

### **Адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатнома. 22 декабрь 2017 й.-Т.: Ўзбекистон, 2017.-Б.34-35.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Фармони. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”// Веб-сайт Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

3. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Қонуни, 2015 йил 9 декабрь.



## СИЁСИЙ МИФ ВА СИЁСИЙ ИМИЖ ЯРАТИШ ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ МАНИПУЛЯЦИЯЛАШ МЕХАНИЗМИ СИФАТИДА

Куйлиев Б.Т.

ЎзМУ Фуқаролик жамияти ва  
ҳуқуқ таълими кафедраси докторанти,  
ТошПТИ Ижтимоий фанлар,  
педагогика ва психология  
кафедраси асс.  
+998946121416  
Broockleen@mail.ru

**Аннотация:** Мазкур мақолада жамоатчилик фикрини манипуляциялаш жараёни яхлит тизим сифатида олиб қаралиб, унинг тузилмасини ташкил қилувчи таркибий қисмлари алоҳида-алоҳида таҳлил қилинади. Бунда сиёсий имиж ва сиёсий мифлар яратиш сингари жамоатчилик фикрини манипуляциялаш тизими тузилмасининг элементлари тадқиқига диққат қаратилади. Шунингдек, айна элементлар қўллаш учун талаб қилинадиган зарурий шарт-шароитлар, уларни вужудга келтириш механизмлари ҳамда мазкур элементларнинг ўзаро алоқадор жиҳатлар очиб берилади.

**Калит сўзлар:** сиёсий имиж, сиёсий мифлар, таъсир нишони, операцион установакалар, конгнитив комплекс, эмоционал алоқа, ёлғон аналогия

Манипуляция жараёнларини ташкил қилишда рўй бераётган сиёсий жараёнлар шарт-шароитларини назорат қилишга алоҳида эътибор қаратиш талаб қилинади. Таъсир кўрсатиш жойини тўғри танлаш ёки уни махсус ҳосил қилиш қолаверса, у билан боғлиқ сенсор комплекслар манипуляцияни ташкил этишнинг жисмоний шарти сифатида кўрсатиш мумкин. Зеро, айна таъсир кўрсатиш жойидаги маданий фон маданий манбаалар, урф-одатлар, тил, меъёрлар, идрок этиш стереотиплари ва ҳукм чиқариш стратегиялари билан белгиланадиган мулоқот ҳолатининг хусусиятларини назарда тутиш заруратини ўз ичига олади. Манипуляция учун танланган жойнинг иккинчи элементи бўлган иккинчи контекст микро ва макро социал даражалардаги реал ва шартли ўзгарувчан муносабатларни назарда тутуди.

Манипуляцияни қўллаш жараёни стандарт ёки ностандарт ижтимоий вазиятларни яратиш ҳамда “таъсир нишони”ни (манипуляция объектидаги таъсир кўрсатиладиган жиҳат) аниқ белгилаб олиш каби жиҳатларни ҳам ўз ичига қамраб олади. Бундан келиб чиққан ҳолда “таъсир нишонларини” аниқроғи манипуляция объектидаги таъсир қилиш нуқталарини қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Шахсда фаолликни юзага келтирувчи таъсир нишонлари. Улар қаторига эҳтиёжлар, қадриятлар, қизиқишлар ва установакаларни киритиш мумкин.

2. Шахсдаги фаолликни тартибга солувчи таъсир нишонлари. Улар ўз ичига маъновий мақсадли операционал установакалар, меъёрлар, дунёқараш, маслак, ўз-ўзига бўлган баҳо ва эътиқодларни қамраб олади.

3. Конгнитив комплекслар таъсир нишонлари. Улар образлар ва олам манзаралари, аниқ ва ноаниқ билимлар, ахборий мўлжаллар қабилардан иборат.

4. Операционал комплекслар таъсир нишонлари. Унга тафаккурлаш усули, аргументлаш тавсифи, танқидийлик даражаси, ҳулқ-атвор услуги, одатлар, кўникмалар, маҳоратлар, малакалар ва мўлжал ола билишларни киритиш мумкин.

5. Руҳий ҳолат таъсир нишонлари. Фонли, функционал ва эмоционал руҳий ҳолатлардан иборат<sup>1</sup>.

Манипулятив таъсир нафақат индивидуал ёки муайян гуруҳ қолаверса, омманинг сиёсий онгига ҳам йўналтирилиши мумкин. Бундан келиб чиққан ҳолда оммавий сиёсий онгга манипулятив таъсир ўтказиш объект билан турли даражадаги алоқаларни ўрнатишни талаб қилади. Бундай алоқалар қуйидаги кўринишларда бўлиши мумкин: эмоционал алоқа (ҳамдардлик, ташвишга шериклик хусусиятини намоён қилиш); белгига кўра алоқа

1 Кара - Мурза С. Манипуляция сознанием М., 2000 - <http://probib.narod.ru/>



(хокимият рамзлари); операционал алоқа (самарадор тескари алоқани ўрнатиш); предметли алоқа (ахборот майдони мазмунини тушунтириш) ва бошқалар.

Алоқалар уларни бошқариш ва ўзаро таъсирга киришиш учун психологик макон яратишни назарда тутди. Мазкур психологик маконда рўй берадиган исталган воқеа коммуникаторлардан бири томонидан бошланиб, махсус ташкиллаштирилган ҳолда йўнатирилади ва назорат қилинади. Бу эса ўз навбатида мақсадга мувофиқ психологик, ахборий босимларни юзага келтиради.

Ахборий босим ёки ахборот урушлари куйидаги усулларни қўллаш орқали амалга оширилади: чинлигини исботлаш деярли имконсиз бўлган, барчага бирдек мулоҳазаларни аргумент сифатида келтириш; умумлаштириш тезисни кенгайтириш ва умумлаштириш; масалани ноаниқ, гўёки умумэтироф этилган шаклда ифодалаш (тезиснинг ноаниқлиги мантикий тузукни қўллаш); исмлар, ҳаракатлар ва вазиятларни бўрттириб кўрсатиш; коммуникатив собатаж; фикрнинг икки маънолилиги; ҳаракат субъектини алмаштириш; нейтрал тушунчаларни эмоционал баҳога бой тушунчалар билан алмаштириш; ёлғон аналогия; мавзуларга кўра кишилар эътиборини тез-тез чалғитиш. Юқорида санаб ўтилганлар натижасида манипуляция объектининг реакцияси (муайян воқеага нисбатан муносабати), унинг ўз-ўзига бўлган баҳоси, ўзлигини англаш йўналиши ва қадриятий мўлжалларининг ўзгариб, манипулятор мақсадларига мувофиқ кўринишга ўтади. Мазкур техника ёрдамида ўзаро тушуниш, ўзаро бир-бирини айнанлаштириш иллюзиясини ҳосил қилиш орқали ахборий омиллар яратилади. Бу эса ўз навбатида омманинг сиёсий онгини осон бошқариш ва назорат қилишга имкон яратади.

Кўплаб тадқиқотчилар жумладан Кара-Мурзанинг фикрига кўра: “манипуляциянинг эмоционал ва рационал моделларини фарқлаш мумкин”<sup>1</sup>. Психологик моделда индивид ёки гуруҳнинг муайян руҳий стимулларга нисбатан реакциясидан унумли фойдаланилади. Бунда манипуляция кишиларда реакция уйғотувчи стимулларни саралаб олиш орқали амалга оширилади. Рационал моделнинг моҳиятини эса пухта ўйланган, чуқур мантикий мушоҳадага асосланувчи ёлғон ташкил этади. Мазкур модел куйидаги усуллар орқали амалга оширилади: очиқ маълумотларни қисқартириш ва уларни бўлақларга ажратиш; махфийликдан фойдаланиш, атайлаб маълумотни яшириш; фаол пропандани амалга ошириш, тенденциялашган ахборотни тарқатиш; тақдим этилган маълумотни адекват тарзда ўзлаштириш ҳамда тўғри баҳолаш имконидан маҳрум қилувчи ахборий қайта юклаш усули. Бу эса маълумотни аудитория томонидан манипулятор тақдим этган шакл ва талқиндагина қабуллашга мажбур қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, имиж тушунчаси нафақат алоҳида шахслар балки ижтимоий гуруҳлар, ташкилотлар ҳатто мамлакатларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин. Шахсий ва профессионал имижларни фарқлаш мумкин. Профессионал имиж деганда индивиднинг профессионаллиги ҳақидаги кишиларда шаклланган тасаввур назарда тутилса, шахсий имиж деганда эса индивид бажарадиган ижтимоий ролдан қатъий назар у эга бўлган шахсий фазилатлар тушунилади. Қолаверса, ижобий ва салбий имиж турларини ҳам ажратиш мумкин. Имижнинг айни ўзаро қарама-қарши кўринишда таснифланиши табиий равишда муайян ижтимоий гуруҳнинг бирор-бир объектга нисбатан ижобий ёки унинг акси бўлган баҳосидан келиб чиқади. Шу маънода имижни бирмунча субъектив характер касб этишини таъкидлаб ўтиш лозим.

Имижни шакллантирувчи маълумотлар унинг асосини ташкил этади. “Имижни шакллантирувчи маълумотларни олиш жараёнида ўз хусусиятига кўра бевосита ёки билвосита амалга оширилиши мумкин”<sup>2</sup>.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, бевосита имиж шакллантирувчи маълумотлар тўғридан-тўғри алоқа орқали ҳосил қилинади. Бевосита имиж шакллантирувчи маълумотлар сирасига киши руҳиятининг ўзига ҳос хусусиятлари ва ташқи кўриниши ҳақидаги ахборотларни киритиш мумкин. Билвосита имиж шакллантирувчи маълумотлар воситачи каналлар ва киши фаолияти натижасида қабул қилинади. Маълумки кишининг хулқ-атвори нафақат онгли балки онг ости маълумотлари билан ҳам шартланади. Бундан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки атрофдагиларда бирор-бир киши, ижтимоий

1 Кара - Мурза С. Манипуляция сознанием М., 2000 - <http://prohib.narod.ru/>

2 Ионин Л.Г. Идентификация и инсценировка // Социологические исследования, 1995, № 4.



гуруҳ, мамлакат ҳақидаги тасаввурни шакллантириш учун нафақат уларнинг онги балки онг остига ҳам таъсир кўрсатилади. Бу эса имиж шакллантириш технологияларининг муҳим тамойилларидан бири ҳисобланади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Кара - Мурза С. Манипуляция сознанием М., 2000 - <http://probib.narod.ru/>
2. Ионин Л.Г. Идентификация и инсценировка // Социологические исследования, 1995, № 4.
3. Herbert W.Franke. Der manipulierte Mensch: Grundlagen der Werbung und der Meinungsbildung. Brockhaus, 1964.
4. Шиллер Г. Манипуляторы сознания. М., 1980. 12-б.
5. Грачев Г.В., Мельник И.К. Манипулирование личностью: организация, способы и технология. М., ИФ РАН, 1999
6. Волкогонов Д.А. Психологическая война - М.,1983.
7. Власов А. И. Политическая манипуляция. М.,1982.
8. Чалдини Р. Психология влияния. СПб., 1999.
9. Доценко Е.Л. Манипуляция: психологическое определение понятия // Психологический журнал т. 14 № 4 1993.

# ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ТАДКИКОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 4-ҚИСМ

**Масъул мухаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович  
**Мусаҳҳиҳ:** Файзиев Фаррух Фармонович  
**Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.03.2022

**Контакт редакций научных журналов.** [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of** [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000